ЁШЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШ ИШИДА МИЛЛИЙ КУРАШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

З.Жумақулов

Мақолада ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ёшлар ижтимоийлашувини таъминлашда миллий курашнинг ёритилиб, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

***Калит сўзлар**: ёшлар, ижтимоийлашув, белбоғли кураш, тўгарак, клуб, жамоа.*

В статье освещена роль национальной борьбы кураш в процессе социализации молодёжи, имеющем большое значение в воспитании гармонически развитого молодого поколения, представлены конкретные рекомендацию по использованию возможностей данного вида спорта.

***Ключевые слова**: молодежь, социализация, борьба на поясах, кружок, клуб, коллектив.*

The article depicts the role and importance of national type of fighting 'kurash' in the process of socialization of youth, which plays an important role in the process of training and educating the younger generation. It contains some useful recommendations for using the possibilities of this type of sport.

***Key words:** youth, socialization, fight with belts, circle, club, collective.*

Истиқлол шарофати билан курашнинг жаҳонда янги халқаро спорт тури сифатида шиддат билан оммавийлашуви, жаҳон цивилизациясига ўз ҳиссасини қўшиб, умуминсоний қадриятга айланиши халқимиз тарихидаги бир ёрқин саҳифадир. Кураш тили, дини, миллатидан қатъий назар жаҳон халқлари кўнглидан жой олди, турли миллат вакиллари тилларида "таъзим", "кураш", "ҳалол", "ёнбош", "чала", "ғирром" каби ўзбек сўзлари баралла янграмоқда.

Кураш нафақат шахснинг жисмоний баркамоллиги, балки унинг маънавий-руҳий тарбиясида ҳам алоҳида ўринга эга. Зеро, кураш жараёнидаги мураккаб техника, кучли жисмоний зўриқиш, ҳис-ҳаяжон, атрофдагиларнинг жиддий эътибори кабилардан тўғри фойдаланилса, улар курашчининг маънавий оламини бойитишга, дунёқарашини тўғри йўналтиришга хизмат қилади. Масалан, "Турон" яккакурашини олайлик. Аввало, номиёқ унинг аждодларимиз жанг санъати эканини таъкидласа, яктак кийиб, белбоғ боғлаб, пешонабанд билан майдонга чиқишнинг ўзида боболар ишини давом эттиришга шайлик руҳи бор. Яъни шуларнинг ўзиёқ ёшлар руҳиятига сездирмайгина таъсир қилади, уларда миллий ғурур, аждодлар хотирасига эҳтиром ҳисларини тарбиялайди. Ёки "Турон" яккакурашида рақиблар майдонга чиққанида, қўлларини юқорига кўтариб, бир-бирларига кафтларини кўрсатадилар, бу "Кўриб қўй, қўлимда ҳеч нарса йўқ, ҳалол курашаман" деган маънони англатади. Шунинг ўзида, бизнингча, ёшларда миллатимиз юксак қадрловчи ҳалоллик, баҳодирларга хос тантилик, "Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил" тарзидаги ўзга шахсга ҳурмат каби олийжаноб фазилатларни тарбияловчи кучли омилни кўриш мумкин.

Албатта, миллий кураш турлари, уларнинг ҳозирги кунда халқаро миқёсда топаётган эътибори ҳақида жуда кўп ёзилди ва ёзилади. Бироқ миллий кураш турларининг имкониятларидан биз тўла фойдалана олаяпмизми деган саволга, афсуски, ишонч билан тасдиқ жавобини бера олмаймиз. Чунки масаланинг иккинчи, кўзга ташланмай турган томони бор. У ҳам бўлса, миллий кураш турларини халқаро миқёсга чиқариш билан унинг халқдан, унинг кундалик турмушидан бироз узоқлаштириб қўйилгандек туюлаётгани. Зеро, кураш илгарилари миллий турмушнинг ажралмас узви сифатидаги оммавийликка эга эди, энди эса айни шу хусусиятидан айрилиб, кўпроқ спортнинг бир соҳаси сифатидаги оммавийликни касб этиб бормоқда. Аввалари тўйларда, турли сайилларда минглаб одамларни тўплаган кураш майдони энди махсус залларга кўчди, халқаро талаблардан келиб чиқиб киритилган қоидалар миллий курашнинг ўзигагина хос жозиб жиҳатлари йўқолишига олиб келди. Бизнингча, миллий курашнинг имконларидан тўла фойдаланиш учун унинг илгариги, яъни миллий турмушнинг узви сифатидаги оммавийлигини ҳам тиклаш зарур. Аминмизки, бу курашнинг спорт соҳаси сифатида оммалаштирилишига асло ҳалақит бермайди, аксинча, унга пухта асос бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаб қўйишим керак, айтилганлар Фарғона водийсида, хусусан, вилоятимизда белбоғли кураш (фарғонача кураш) нинг ҳолати билан боғлиқ, ҳолбуки, жанубий минтақаларда миллий кураш (бухороча кураш) анъаналари анча яхши сақланган.

Биз назарда тутган оммавийлик курашнинг халқ ичига чуқур кириб боришини тақозо этадики, бу ҳолда унинг ёшлар тарбиясидаги роли ва аҳамияти ҳозиргидан анча юқори бўлиши мумкин. Жумладан, ёшлар тарбиясида, уларнинг ижтимоийлашувида.

Маълумки, бугунги кунда ёшларни фойдали мақсадлар йўлида бирлаштириш, уларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиш ғоят долзарб вазифадир. Кураш эса ёшларни ўзига жалб эта олувчи жозиб кучга эга, фақат ундан ўринли фойдалана билиш зарур. Бунинг учун эса бир қатор тадбирларни амалга оширишимиз керакки, қуйида улардан назаримизда энг муҳимларини санаб ўтамиз.

1. Курашнинг биз айтгандек халқ ичига қайта кириб бора олиши учун маҳаллаларда кураш тўгараклари (секциялари) ишини мунтазам йўлга қўйиш талаб этилади. Кураш федерациясининг маҳаллий бўлимлари бу ишнинг ташкилий томонларини зиммасига олса ва уни амалга оширишга кураш фидойилари – ҳозир фаолиятдаги ва собиқ полвонларни жалб қила олса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади. Аввалига тажрибали полвонлардан жамоатчилик асосида кураш тўгараклари мураббийлари белгиланса, бу йўналишдаги илк қадам қўйилган бўлади. Зеро, кураш тўгаракларининг фаолиятини бошланғич харажатларсиз йўлга қўйиб турса ҳам бўлади: миллий кураш турлари ниятоятда камчиқим.

2. Қишлоқ марказларида, гавжум маҳалла гузарларида, ҳозир кўп жойларда мини футбол ареналари қурилаётгани каби, кураш ареналари қуришни йўлга қўйиш. Бу ўринда молиявий томонини рўкач қилиб эътироз қилиниши мумкин. Бироқ, биринчидан, эл ичида кўпчиликнинг ишига кўмак беришга ҳозир саховатли кишилар йўқ эмас; иккинчидан, кураш тушиладиган майдони ва курашни томоша қилиш учун қулай ўриндиқлари бўлган ихчам ареналар ҳашар йўли билан ҳам қурилиши мумкин. Энг муҳими, бу ишга ёшларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки ижтимоийлашув асли шундан бошланади.

3. Ўсмирларда мусобақа руҳи кучли бўлишини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ё маҳалла миқёсида мунтазам равишда кураш мусобақаларини йўлга қўйиш. Ушбу мусобақаларнинг бир қисмини анъанавий тартиб ва кураш қоидаларига биноан ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу, бир томондан, анъананинг сақлаб қолинишини таъминлайди, иккинчи томондан, ёшларда курашга миллий қадрият сифатида қарашни тарбиялайди.

4. Маҳаллалараро ва қишлоқлараро миқёсда мусобақаларнинг мунтазам ташкил этилиши, бир томондан, курашнинг оммалашишига хизмат қилса, иккинчи томондан, турли қишлоқ, туман ёшлари ўртасида ўзаро алоқаларнинг йўлга қўйилишини таъминлайди. Ўз-ўзидан бу алоқалар ижтимоийлашувни тезлаштиради, жойлардаги ҳолатга танқидий назар билан қарашга ундайди, соғлом рақобат ҳиссини туғдириб, яхши жиҳатларни ўзлаштиришга ундайди ва ҳ.к.

5. Халқимиз турмушида жуда кўп бўладиган тўйларда, турли байрамларда “сайил кураши” тартибида мусобақалар ташкил қилиш ва уларнинг байрамона руҳда ўтишини таъминлаш. Бундай мусобақалар ҳам курашчилар, ҳам томошабинларнинг ижтимоийлашуви, яъни ўзини улкан бир жамоа – улуғ бир халқ вакили ўлароқ англаш ҳиссини чуқурлаштиради. Яна курашчи ўз ортида турганлар шаъни учун олишаётганини ҳис қилади – унда жавобгарлик ҳисси кучаяди, томошабинларда эса бир мақсад (ўз полвонини қўллаб-қувватлаш) йўлида руҳан бирлашиш содир бўладики, булар бари ижтимоийлашувни чуқурлаштиради.

Албатта, кураш федерацияси ва курашчилар кучи билангина юқоридаги ишларни амалга ошириш мумкин эмаслиги аниқ. Бу ишга кенг жамоатчилик: маҳалла фуқаролар йиғинларининг раис ва фаоллари, қишлоқ жойларидаги мактаб ва касб-ҳунар коллежлари жамоалари, жойлардаги фермер хўжаликлари ва тадбиркорларнинг, шунингдек, “Болалар спорти” жамғармасининг бош қўшишигина кутилган натижага эришишни таъминлай олади. Зотан, ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишида муҳим миллий анъаналаримиздан бирини тиклаш ва бардавом этишга қаратилган бу ишларга бош қўшиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 февралдаги “Халқаро “Кураш” ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-2211 сонли Фармони.// http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=210575

2. Расулов С.Б. Курашчиларни тайёрлаш.- Т., 2010.- 107 б.

3. Атоев А. Ўқувчи ёшларни ўзбек курашига ўргатиш услубияти.- Т., 2005

4. Абдуллаев Ш.А. Ёш курашчиларни тайёрлашнинг илмий-услубий асослари.- Т.,2012.- 72 б.

5. Тўраев Х., Зайнобиддинов Д. Миллий ғуруримсан - ўзбек кураши // http://library.ziyonet.uz/

6. Бардавом давралар нафаси // http://www.milliytiklanish.uz/

Андижон давлат университети
2015 йил 4 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Р.Зухритдинов)